

V Ислом Бирдамлиги ўйинларида 265 нафар спортчиларимиз иштирок этади



16:00 / 09.08.2022 1353

Жорий йил 9-18 август кунлари Туркиянинг Конья шаҳри V Ислом Бирдамлиги ўйинларига мезбонлик қилади. Маълумки, жорий йил Хитойда ўтиши керак бўлган ёзги Осиё ўйинларининг эпидемиологик вазият туфайли бир йилга кечиктирилиши Ислом Бирдамлиги ўйинларини йилнинг асосий спорт тадбири мақомига олиб чиқди.

Ўзбекистон спортни ривожлантириш вазирлиги маълумотига кўра, V Ислом Бирдамлиги ўйинларида Ўзбекистон делегацияси 23 спорт турида 265 нафар спортчилар билан қатнашади.

Эслатма:

V Ислом Бирдамлиги ўйинларининг очилиш маросими 9 август куни соат Тошкент вақти билан 22:00 да старт олади. Мусобақаларда спортчиларимиз бир нечта медалларни қўлга киритишди.

Маълумот ўрнида мусобақада жами 483 та медаллар жамланмаси ўз эгаларига топширилади.

Манба: azon.uz